



220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2019 йил « 9 » июл

№ 4799к

Боғот шаҳарчаси

Нусха № _____

Худайшукуров Расулга “Боғот дехқон бозори” МЧЖ худудидан “Аҳолига хизмат кўрсатиш” учун замонавий типдаги бутка ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида.

Боғот тумани Маданият маҳалласида яшовчи фуқаро Худайшукуров Расулнинг Боғот тумани марказий дехқон бозори худудига 18.0 квадрат метр (6.0x3.0) ўлчамдаги «Аҳолига хизмат кўрсатиш» учун замонавий типдаги бутка ўрнатишга рухсат беришни сўраб туман хокимлигига йўллаган 2019 йил 01-июндаги №64-сонли сўровномасини ва туман архитектура ва қурилиш бўлимининг 2019 йил 29-июндаги №315-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат хокимияти тўғрисида”ги қонунининг 10, 25-моддаларига, “Ер кодекси”нинг 62-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Худайшукуров Расулга Боғот тумани марказий дехқон бозори худудига 18.0 квадрат метр (6.0x3.0) ўлчамдаги «Аҳолига хизмат кўрсатиш » учун замонавий типдаги буткани вақтинча 1 (бир) йил муддатга ўрнатишга рухсат қилинсин.

2. Худайшукуров Расулга Боғот тумани марказий дехқон бозори худудига 18.0 квадрат метр (6.0x3.0) ўлчамдаги «Аҳолига хизмат кўрсатиш» учун замонавий типдаги бутка ўрнатилиши учун ажратиб берилган ер майдонидан мақсадли фойдаланмаганда ёки ажратиб берилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда, амалга оширилганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддасига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огохлантирилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбонов)га Худайшукуров Расулга Боғот тумани марказий дехқон бозори худудига 18.0 квадрат метр (6.0x3.0) ўлчамдаги “Аҳолига хизмат кўрсатиш” учун замонавий типдаги бутка ўрнатилиши учун ер майдонини белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг ўринбосари У.Матякубов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани хокими

О.Холбоев